

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРАВМАТОЛОГИЯ
ВА ОРТОПЕДИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2020.Tib.62.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ТУГУЗОВ БУНЁД ЭСОНОВИЧ

**ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИДА ЭНДОПРОТЕЗЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 - Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2021

Фалсафа доктори (PhD)диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Tib505 рақам билан руйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюми)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.niito.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамраев Алишер Шахабович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Абдуразаков Уразбай Абдуразакович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худойбердиев Кобилжон Турсунович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « » соат даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.:(+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@vandex.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (35 рақам билан руйхатга олинган). Манзил: 100147, Тошкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 78 уй. Тел.:(+99871) 233-10-30.

Диссертация автореферати 2021 йил « 30 » куни тарқатилди.
(2021 йил « 30 » даги 35 рақамли реестр баённомаси)



М.Э. Ирисметов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

У.М. Рустамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

А.П. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги Илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата доктора философии (PhD) диссертации

Contents of the abstract of Doctor of Philosophy (PhD) dissertation

Тугузов Бунёд Эсонович

Чаноқ-сон бўғимида эндопротезлашни

такомиллаштириш..... 3

Тугузов Бунёд Эсонович

Усовершенствование эндоротезирования

тазобедренного сустава..... 21

Tuguzov Bunyod Esonovich

Improvement of hip joint replacement..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

ТУГУЗОВ БУНЁД ЭСОНОВИЧ

**ЧАНОҚ-СОН БЎҒИМИДА ЭНДОПРОТЕЗЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.22 - Травматология ва ортопедия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Коксартроз касаллиги чаноқ-сон бўғими (ЧСБ) элементларининг туғма ёки орттирилган ҳолатда дегенератив ва дистрофик патологик ўзгаришлари бўлиб, бунда бўғимнинг барча функционал фаолияти чекланади. Катталар ортопедик дегенератив касалликлари орасида «чаноқ-сон бўғими патологияси 25% гача учрайди ва унинг оқибатида 60% беморларда ногиронлик келиб чиқади...»¹. Консерватив ва паллиатив жаррохлик амалиётлари касалликнинг 90% ремиссия даврини қисқартиради. Радикал жаррохлик амалиётларининг юқори самарадорлигига қарамасдан амалда эндопротез бошчасининг чиқиши, тромбоемболия, эндопротез компонентлари атрофида «чукур» инфекциянинг ривожланиши ва асептик ностабиллик ривожланиши каби ногиронликка ва меҳнат қобилиятининг сезиларли йўқотилишига олиб келувчи ЧСБ эндопротезлашдан (ЭП) кейинги қатор асоратлар мавжуд. ЧСБ патологиялари ЭП жаррохлик амалиётининг узок натижа асоратлари туфайли ногиронлик даражасининг кўплиги билан алоҳида ўрин тутади ва жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларини келтириб чиқаради. Ушбу ҳолат ЧСБнинг дегенератив патологияларини даволаш ва оёқ фаолиятини тиклаш борасида жаррохлик амалиётини такомиллаштириш каби долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда ЧСБ дегенератив касалликларида ўрнатилган эндопротез компонентларининг асептик ностабиллигини даволаш ва олдини олишга қаратилган ҳолда ЧСБни ЭП барча босқичларида бўлиши мумкин бўлган асоратларнинг сабабларини эндоген ва экзоген омилларга асосланган жаррохлик амалиётининг янги усуллари ва мосламаларни яратиш; эндопротез компонентлари дизайни, модели, ЭП жаррохлик амалиётининг усуллари (бир қутбли ва тотал, гибрид, цементли ва press fit, бирламчи ва ревизион) такомиллаштириш; жаррохлик амалиётида ЧСБнинг кам жароҳатланишига олиб келадиган, каминвазив, тўқималарда ишлаш учун кўшимча, ёрдамчи инструментал мослама ва қурилмалар, бўғим ичи протрузион босимни камайтириш усуллари, соннинг юқори дислокациясида оёқ узунлигини коррекциялаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шулар билан бир қаторда сон суяги қолдигини экстракция усулини такомиллаштириш, бўғим ичи протрузион босимини камайтириш, ЧСБни ЭПда интраоперацион ва постоперацион оёқ узунлигини коррекциялаш, ЭПдан кейин узок муддатли кузатувларда имплант-суяк ўртасида турли биологик ўзгаришлар содир бўлиши, ацетабуляр ва феморал компонентларини суяк тизимига адаптацияси, остеоинтеграция ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда чаноқ-сон бўғимини эндопротезлашни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий хизмат тизимини жаҳон талабларига мослаштириш, жумладан ЧСБнинг туғма ва орттирилган касалликлари ва уларнинг асоратларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган

¹ World Health Organization / Injuries: fact sheet no 7. World Health Organization website, 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs11/>

тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ЧСБ дегенератив-дистрофик касалликларида ЭПни такомиллаштириш, ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларни камайтириш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали ногиронлик кўрсаткичларини пасайтириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 1 декабрдаги ПҚ–5270-сон «Ногиронлиги мавжуд бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЧСБ турли ортопедик патологияларида жаррохлик амалиётлари орқали етарли даражада ижобий натижаларга эришилмаганлиги сабабли патологик ўзгарган бўғимни сунъий протезга алмаштириш тотал ЭП жаррохлиги бугунги кундаги заруриятга эга бўлган юқори даражадаги самарали даволаш усули ҳисобланади. 2008 йилда АҚШда 600000дан ортиқ ЧСБни тотал ЭП ўтказилган, узоқ муддатли прогнозларга кўра 2030 йилга бориб, бу турдаги амалиётлар сони 4,0 миллионга етиши кутилмоқда (Загородний Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А., 2011). Хорижий муаллифлар томонидан жаррохлик амалиёти ўтказилган оёқни жаррохлик амалиётидан кейин ишлатиш учун қатор қурилмалар таклиф қилинган (Mucand J.A., Cai C., Zielinski, 2003; Elizabeth W. Paxton, Christopher F. Ake, et al, 2012). Маълумки, ЧСБни тотал ЭП тизими ўзининг ривожланишида узоқ йўлни босиб ўтиб, бўғимнинг фаол ва оғриқсиз ҳаракатланишига ҳамда оёқнинг мустаҳкамлигига қайтиш имкониятини беради (Чрагян Г.А., Загородний Н.В., Нуждин В.И. ва бошқ., 2012), бинобарин ЧСБни тотал ЭПдаги қатор ютуқларга қарамадан у ҳали мукамалликка етмаган (Müller M., 2012). Игнатенко В.Л. ва бошқаларнинг (2011) фикрича, замонавий технология ҳар доим ҳам ЧСБнинг дегенератив-

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони

дистрофик жараёнлар таъсири натижасида келиб чиқадиган ўзгаришларни тўлиқлигича тиклаш имкониятига эга эмас.

Ўзбекистонда ЧСБнинг йўқотилган фаолиятини тиклашга қаратилган ЭП борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Хамраев Ш.Ш., 2005; Азизов М.Ж., 2006; 2017; Азизов А.М., 2018; Асилова С.У., Рузибоев Д.Р., 2015; Хамраев А.Ш., 2020) бироқ, ЧСБда ЭПни такомиллаштириш тўлиқ ўрганилмаган. ЭПнинг ижобий самарасини заррача камситмаган ҳолда эътироф этиш лозимки, жаҳон ортопедия ҳамжамиятлари томонидан тўпланган кўп йиллик клиник тажриба ушбу усулга оғир асоратлар хослигини, операциядан кейинги кузатув муддати узоклашгани сайин, энг замонавий конструкциялардан фойдаланганда ҳам ЭП натижаларининг ўзгаришини кўрсатди.

ЧСБ ЭП компонентларининг қисқа муддатларда яроқсизлик ҳолга келиши ва бунинг натижасида қайта амалиётга муҳтожлик сон суяги проксимал қисми дефектлари, юмшоқ тўқималар номуносивблиги, бўғим дисфункциясини ҳисобга олмасдан механик ўқнинг етарли миқдорда тўғриланмаганлиги ва бошқалардир. ЭП кенг тадбиқ этилгани сайин муваффақиятли операция интиҳо эмас, балки фақат энди бошланиши эканлиги ойдинлашиб бормоқда (Havelen L. I., 2009; Petsatodis G. E., 2010; Wroblewski B.M., 2012; K.Z. Masrouha, J. J. Callaghan, 2018). Кўпинча ЧСБ патологияси билан хасталанган беморларни консерватив даволашнинг қониқарсиз натижалари, хусусан, дегенератив-дистрофик ўзгаришларнинг кеч босқичларидаги натижалар, тадқиқотчиларни, бундай ҳолатда ушбу бўғимни ЭП зарур деган хулосага олиб келди. Аммо, бундай амалиётнинг кенг тарқалган асоратларидан бири ЭПни асептик ностабиллиги (АН) ҳисобланади. Шу сабабли бир қатор муаллифлар (Асилова С.У., Рузибоев Д.Р., 2018; Азизов А.М., 2019) томонидан мавжуд даволаш усуллари ўрганиб чиқилди ҳамда ушбу патологиянинг этиологиясидан келиб чиққан ҳолда даволашнинг энг мақбул вариантлари, реабилитация чоралари ва касалликнинг олдини олиш бўйича имплантацияга кўрсатмалар таклиф қилинди. Юқорига дислокация бўлган оёқни мажбурий пастга тушириш натижасида юзага келадиган бўғим ичи босимининг ортиши ҳам ЭПларининг асептик ностабилликка олиб келиши тажрибада исботланган. Шундай қилиб, ушбу асоратлар ЧСБда тотал ЭП тартибини оптималлаштириш учун янги технологик ечимларни топиш ва яратиш самарадорлигини излашни давом эттириш ва юзага келиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш чора-тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб ва амалий жихатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий–тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ 01.07.0069-сон «Одам жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволашнинг патогенетик асосланган усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида (2014-2018 йиллар) бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чаноқ-сон бўғимида эндопротезлашни такомиллаштириш асосида унинг функционал натижаларини яхшилаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЧСБни ЭПнинг барча босқичларида бўлиши мумкин бўлган асорат сабабларининг профилактик алгоритмини яратиш;

жаррохлик амалиётининг кам травматизацияга олиб келадиган, тўқималарда ишлаш учун кўшимча, ёрдамчи инструментал мослама ва қурилмаларни ишлаб чиқиш ва амалга тадбиқ этиш;

ЧСБни ЭПда оёқ узунлигини коррекциялаш усулини таклиф этиш;

ЧСБни ЭПдан кейин даволаш натижаларини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2013-2018 йилларда Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси бўғимлар ва қўл панжаси жаррохлиги марказида диспластик коксартроз, сон суяги бўйинчасининг синишлари ва сохта бўғими, бириктирувчи тўқима касалликлари, идиопатик ва посттравматик коксартроз ташхислари билан даволанган 136 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ЧСБнинг туғма ва ортирилган патологияларини самарали даволашда дислокация бўлган сон суягини жойига тушириш, оёқ узунлиги коррекциялашда сон суяги бошча қолдиғини олувчи экстрактор, эндопротез бошчасини ротация марказини аниқловчи асбоб, сон суяги проксимал охирини мобилизация қилувчи қурилманинг самарали натижа берувчи материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, лаборатор, рентгенологик, МСКТ, биомеханик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагидан иборат:

ишлаб чиқилган эндопротез бошчасининг биомеханик ротация марказини аниқлаш мосламасидан фойдаланиш эндопротез бошчаси узунлигини танлаш ва жаррохлик амалиёти вақтида оёқ узунлигини коррекция қилишга имкон бериши исботланган;

эндопротез компонентлари протрузиясини олдини олиш учун m.Pioproas пайини тенотомия қилиш ва юқорига дислокация бўлган сонни бир вақтнинг ўзида пастга тушириш тактикаси такомиллаштирилган;

сон бошчаси қолдиғини олиш учун ишлаб чиқилган экстракторни қўллаш орқали бажариладиган жаррохлик амалиётининг кам жароҳатлилиги ва қуймич косаси деворларининг бутунлиги сақлаб қолиниши исботланган;

чанок-сон бўғимини эндопротезлашда такомиллаштирилган ташхислаш ва даволаш кетма-кетлиги эндопротез компонентларининг асептик ностабиллигини олдини олиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

сон суяги бошчаси қолдиғини олиш учун ишлаб чиқилган мослама чанок косчасининг жароҳатланишини камайтириши, жаррохлик амалиёти бажариладиган вақтини қисқартириши исботланган;

олиб ташланган бошчанинг шикастланмаган контури бўйича эндопротез бошчасининг аниқ ўхшаш ўлчамини танлаш зарурияти исботланган;

кичик кўстга бириқиш жойида m. Pioproas тенотомиясидан фойдаланиш протрузия босими кучини ва эндопротез компонентларининг асептик ностабиллиги эҳтимолини камайтириши исботланган;

ЧСБнинг юмшоқ тўқимали элементларида ишлаш учун мўлжалланган мосламадан фойдаланиш сон суяги проксимал учини мобилизациялаш имконини берганлиги ва ЧСБга киритишни осонлаштириши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, лаборатор, рентгенологик, инструментал, биомеханик ва статистик усуллари ёрдамида

и
ш
л

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулосалар ва таклифларнинг ЧСБ патологияси билан хасталанган беморларни ташхислаш ва даволашда балмоқли ҳисса қўшадиган назарий аҳамиятига молик эканлиги, клиник амалиётга ЭКларини асептик ностабиллигини олдини олиш учун фойдали моделни жорий этиш ногиронлик даражасини камайтириш ҳамда оёқлар фалоятини яхшилаш имконини яратиш, эндопротез компонентлари асептик ностабиллиги олдини олиш бўйича курсантларни ўқитиш дастури мазмуни ва структурасини такомиллаштириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

а Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сон бошчаси қолдиғини экстракция қилиш учун мўлжалланган мослама чаноқ косачаси жароҳатланишини ва асоратлар пайдо бўлишини камайтириши, сон суяги проксимал охирини мобилизациялаш имконини бериши, чаноқ-сон бўғимига киришни осонлаштириши, кичик кўстга бирикиш жойида м. iliopsoas пайи пениотомияси протрузион босим кучини ва эндопротез компонентларини асептик ностабиллиги эҳтимолини камайтириши, мушакларнинг эскирган тракциясида таклиф этилган «сонни пастга тушириш» усулидан фойдаланиш эндопротез «бошча»сини жойига тўғрилашда чаноқ-сон бўғими атрофи юмшоқ тўқималари жароҳатланишини камайтириши билан изоҳланади.

н **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Чаноқ-сон бўғимида эндопротезлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

- сон суяги бошчасини экстракция қилиш бўйича ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган «Суяк бўлақларини тутиб турувчи қурилма» номи фойдали модельга Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (FAP 00597, 31.12.2010 йил). Олинган натижалар чаноқ косачаси деворларини шикастланишларини олдини олиш имконини берган;

б сон проксимал қисми чандиқли юмшоқ тўқималарини мобилизация қилиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган «Суяк усти пардасини суякдан ажратиш учун қурилма»га Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (FAP 00627, 22.06.2010 йил). Олинган натижалар сон проксимал қисмини тўлиқ мобилизация қилишга ва ЭК фазовий ориентациясини яхшилашга имкон яратган;

чаноқ-сон бўғимида эндопротезлашни такомиллаштириш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган «Чаноқ-сон бўғими эндопротез компонентлари асептик барқарорсизлигини олдини олиш

д
о
п
р

усуллари» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 14 февралдаги 8н-д/22–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чаноқ-сон бўғими эндопротези компонентлари асептик барқарорсизлигини олдини олиш, беморларни даволашда хирургик амалиётнинг самарадорлигини ошириш, зарарланган чаноқ-сон бўғими фаолиятини тиклашни яхшилаш имконини берган.

Чаноқ-сон бўғимида эндопротезлашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий–амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий–амалий тиббиёт марказининг Самарқанд вилояти филиали ва Бухоро вилояти кўп тармоқли клиникасида жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 10 мартдаги 8н–з/47–сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларни амалиётга жорий қилиниши натижасида эндопротез бошчаси биомеханик ротация марказини аниқловчи инструментдан фойдаланиш ва m. iliopsoas пайини тенотомияси 97,2%гача беморларда оёқлар узунлигини тенглаштиришга эришилди ҳамда операция қилинган бўғим фаолиятининг барқарорланиши эса 98,4%гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий–амалий анжуманларда, жумладан 2та халқаро ва 2та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 33та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, жумладан, 5таси республика ва 1таси халқаро журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган

Диссертациянинг «**Чаноқ-сон бўғимида эндопротезлашни такомиллаштиришнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи

бобида ушбу тиббий муаммоннинг назарий жиҳатлари бўйича замонавий халқаро илмий тадқиқотларнинг батафсил таҳлили ўтказилиб, ЧСБ ЭКни асептик ностабиллигини этиопатогенези, ташхислаш, унинг олдини олиш ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича изланишлар тизимлаштирилган, ечилмаган ва айрим аниқлаштирилиши талаб этиладиган муаммолар таҳлил этилган. Боб таҳлил қилинган материаллар асосида умумлашган хулоса билан яқунланган.

Диссертациянинг «**Чаноқ-сон бўғимида эндопротезлашни такомиллаштириш клиник материал ва тадқиқот усуллари**нинг тавсифи» деб номланган иккинчи бобида беморлар умумий таърифи, қўлланилган клиник, рентгенологик, МСКТ ва биомеханик тадқиқотлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган. 2013 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда ЧСБнинг турли патологиялари билан стационар даволанишда бўлган 136 нафар беморда жарроҳлик аралашувлари ўтказилиб турли конструкциядаги сунъий тотал эндопротезлар билан бўғимларни бирламчи алмаштириш амалга оширилди. Бу беморлар иккита гуруҳга ажратилди- асосий гуруҳни 70 нафар (51,5%) бемор ва назорат гуруҳини 66 нафар (48,5%) бемор ташкил қилди. асосий гуруҳ беморларида (70 бемор) ЧСБ эндопротези компонентларини асептик ностабиллигини олдини олиш босқичи алгоритми, m. Pirsoas пайини тенотомияси, эндопротез бошчасини танлаш мосламаси, сон суяги проксимал учини мобилизациялаш мосламаси қўлланилди ва сон суяги бошчаси қолдиқларини (сон суяги бўйинчаси синишлари ва сохта бўғимларида, протрузион коксартрозда) олиб ташлаш учун экстрактордан фойдаланилди. 66 нафар беморда юқорида санаб ўтилган амалиётлар қўлланилмади. Беморларнинг 60 нафарини (44,0%) эркаклар, 76 нафарини (56,0%) аёллар ташкил этди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Беморларнинг жинси ва ёшига кўра тақсимланиш даражаси

Беморларнинг тўлиқ ёши	Текширилаётган гуруҳлар, жинси			
	Асосий гуруҳ, n(%)		Назорат гуруҳи, n(%)	
	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
30 ёшгача	2 (6,3%)	-	1 (3,6%)	1 (2,6%)
31-40ёш	5 (15,6%)	6 (15,8%)	4 (14,3%)	5 (13,2%)
41-50 ёш	9 (28,1%)	11 (28,9%)	8(28,6%)	10 (26,3%)
51-60 ёш	10 (31,3%)	16 (42,1%)	9(32,1%)	15 (39,5%)
61-70 ёш	4 (12,4%)	3 (7,9%)	4 (14,3%)	3 (7,9%)
71ёш ва ундан катта	2 (6,3%)	2 (5,3%)	2(7,1%)	4 (10,5%)
Жами	32 (100%)	38 (100%)	28(100%)	38(100%)

30 ёшгача бўлган беморлар орасида эркаклар сони аёлларникидан кўп. Бу ёшда кўпроқ тизимли касалликлар кузатилади. 31 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар ўртасида аёллар сони устунлик қилди, 61 ёшдан 70 ёшгача бўлган

беморлар ўртасида яна эркаклар сони кўпчиликини ташкил қилди, бу маиший шикастланишлар билан боғлиқ бўлди. Бу ҳолат аёллар ўртасида чанок-сон бўғими оғир патологиялари кўпроқ улар ҳаётининг иккинчи ярмида кузатилиши билан изоҳланади. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларнинг аксарият қисмини (84,2%) 21 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар ташкил қилган, бу улар ҳаётининг энг меҳнатга лаёқатли ва ижодий фаол даврига тўғри келади.

1-жадвалда патологик жараённинг ёшга боғлиқ жадаллиги ҳақида хулоса қилиш мумкин. 20 ёшгача бўлган беморлар ўртасида эндопротезлаш амалиёти ўтказилмаганлиги бу ёшда касалликларни даволашда сунъий бўғим алмаштириш операциялари муддатини узайтириш имконини берадиган бошқа даволаш усуллари кўллаш мумкинлигидан далолат беради. 21 ёшдан 40 ёшгача бўлган беморлар ўртасида ревматоид артритнинг бўғим шакли зўрайиши кузатилди, одатдагидек, чанок-сон ва тизза бўғимлари анкилози билан асоратланди. Эндопротезлаш амалиётининг аксарият қисми идиопатик ва диспластик коксартроз билан оғриган 31 ёшдан 60 ёшгача бўлган беморлар ўртасида ўтказилди.

ЧСБнинг комбинацияланган контрактураси (букувчи, яқинлаштирувчи ва айлантирувчи) текширилган беморларнинг барчасида қайд этилди. Текширилган беморларнинг 132 нафарида ЧСБнинг комбинацияланган контрактураси, сон суяги бошчасининг чала чиқиши ва чиқиши ҳамда сон суягининг анатомик калталиги билан боғлиқ бўлган ипсилатерал оёқнинг нисбий калталиги аниқланган. 47 (34,6%) беморда сон суягининг ЧСБ ва сон суяги бошчасидаги дегенератив-дистрофик жараёнлар ҳисобига абсолют қисқарганлиги аниқланган. Ипсилатерал оёқнинг қисқариши 1смдан 10смгачани ташкил қилди.

Олинган маълумотларга статистик равишда компьютерда Excel 7,0 дастури ёрдамида ишлов берилди. Стьюдент t-мезони бўйича тенг ёки 2,0дан катта ёки 5% дан кам бўлган тасодиф эҳтимоли бўлган фарқлар ишончли ҳисобланди ($p < 0,05$).


Диссертациянинг «**Чанок-сон бўғими патологияларида эндопротезлаш: асептик ностабиллик профилактикаси нуқтаи назаридан**» деб номланган учинчи бобида ЧСБ патологияларида эндопротезлашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар келтирилган.

Рашпиль йўналишни белгилаш ва уларнинг (варус ва валгус) оғишини олдини олиш мақсадида сон суягининг физиологик эгрилиги ҳисобга олинган сон суяги канали орқа девори бўйлаб юмалоқ шаклдаги учи тўмтоқ ўтказгич асбобдан фойдаланилади.

Сон проксимал қисмига ишлов бериш кичик ўлчамидан тортиб сон қабул қиладиган энг катта ўлчамигача бўлган рашпильдан фойдаланган ҳолда асбобларни кетма-кет алмаштириб бажарилади. Бунда қайси ўлчамда тўхталиш жарроҳнинг амалий кўникма ва билимига боғлиқ.

Эндопротез ишлаб чиқарувчи завод кўрсатмасига кўра, цементсиз протезлашда рашпиль ўлчами эндопротез ўлчамига қараганда 0.3ммга кичик. Шунинг билан бирга, қандайдир кўра, цементсиз фиксацияда феморал компонент (ФК) сон суяги каналининг ғоваксимон қатламига имплантацияланади. Бундан мақсад келажакда суяк тўқимаси ФКга остеоинтеграция бўлишидир.

Сон суяги каналига етарлича ишлов бермаслик ФКни АНга олиб келади, сон суяги канали кортикал қаватгача ишлов берилса, 0.3ммгача жой қолмайди, ФКни пресс-фит фиксациясида сон суяги проксимал охири ёрилади, бундан ташқари суяк-имплант ўртасида остеоинтеграция содир бўлмайди. Рашпильни ўлчами бўйича қайсида тўхташни жарроҳнинг амалий кўникма ва идроки ҳал қилади. Шунинг учун опрециядан олдин ФК ва «бошча»нинг тахминий ўлчами олинади. Акс холда операциядан кейин оёқ узунлигининг фарқини сон суяги каналида ФК имплантация чуқурлигига нисбатан кўрамыз. ФКга синама «бошча» ўрнатилади, компонентлар жойига тўғриланади ва оёқ тана ўқи бўйлаб пастга тортилади ҳамда ацетабуляр полиэтилен компонент (АПК) ва синама «бошча» ўртасида диастаз ҳосил қилиниб, оёқ узунлигини аниқлаш мумкин. Бу усул ҳар доим ҳам ўзини оқламайди, чунки ЧСБ дисплазиясида, чандикли ўзгаришларида, патологик ўзгарган мускуллар диастаз ҳосил қилишга қўймайди ёки ёши улуғ инсонларда мушаклар нозиклашган, мушаклар кучи камайган, чўзилувчан бўлади ва ортикача диастаз ҳосил қилинади. Оёқ узунлигида тафовут бўлиши беморлар ўртасида норозилик келтириб чиқаради. Шу билан бирга ЭКларни эрта АНга олиб келади. Оёқлар узунлигининг фарқи ҳаракатланиш биомеханикасини бузади. Бу ўз навбатида ЭКларнинг стабиллигига салбий таъсир қилади. Шу мақсадда, «бошча» узунлиги танлашнинг операция олди режалаштиришдаги хатоликни интраоперацион бартараф этиш учун биз «бошча» ротация марказини ва узунлигини аниқловчи инструмент таклиф этдик (патент FAP 20190128). Бу стержен А, стержен Б ва боғловчи штангадан иборат бўлиб, стерженлар бир-бирига қатъий перпендикуляр кесишади (1-расмга қаранг).



1-расм. Эндопротез «бошча»сининг ротация марказини аниқловчи инструмент (FAP 20190128)

Стержен А ФКнинг проксимал қисмида жойлашган техник тешикка ўрнатилган бўлиб, у сон суягига бўйлама йўналишда ва ФКга параллель жойлашади. Кейинги босқичда стержен Б штанганинг унга тегишли тешигидан ўтказилади. Стержен Бнинг дистал охири катта кўстнинг чўққиси устига ётади, проксимал охири эса «бошча»нинг марказий нуқтасидан ўтиши керак. Шунга қараб биз «бошча»нинг узунлигини танлаймиз, бу ўз навбатида бўғимнинг ротация марказига тўғри келади.

ФК имплантациясидан сўнг, ФК ва остеотомия қилинган сон суяги бўйинчаси ўртасида очик бўшлиқ қолиши мумкин. Бу бўшлиқ остеотомия

қилинган сон суяги бошчасининг ғоваксимон суяги билан тўлдирилади. Ушбу бўшлиқларнинг мавжудлиги уларнинг грануляция тўқималари билан тўлишига олиб келади, бу эса ФКнинг стабиллигига салбий таъсир қилади. Суяк чиплари билан бўшлиқни тўлдириш АН эҳтимоли олдини олади.

Кейин ФКнинг «бўйинча»сига тест-«бошча» ўрнатилади ва синамалар ўтказилади: ЧСБнинг ҳақиқий стабиллиги, юмшоқ тўқималарнинг тонуси (соннинг тўғри мускули, яқинлаштиручи мускуллар, m. Pliopsoas); оёқ узунлигининг коллатерал томонга нисбатан фарқи аниқланади. Баъзан соннинг юқори дислокациясида уни операция вақтида пастга тушириш қийин бўлади. Бундай ҳолатда ЭКларини жойига ортиқча куч билан тўғрилаш бўғим ички босимини оширади, бу ўз навбатида ЭКлари ўртасида ишқаланиш кучини оширади, уларнинг едирилишини тезлаштиради, емирилиш маҳсулотлари кўпаяди. Бу эса ЭК АНга сабаб бўлишишга олиб келади.

ЧСБнинг ЭПгача бўлган операцияларидан кейин соннинг проксимал охири маълум кенгликда чандиқ билан қопланган бўлади. Бу эса ЧСБни тотал ЭПда сонни етарлича мобилизациялаш ва эндопот ез компонентлари имплантациясида уларнинг фазовий ориентациясини қийинлаштиради. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда биз сонни проксимал охирини мобилизация қилувчи инструмент таклиф қилдик (FAP 00627).

Бу инструментнинг афзаллиги шундаки, у узун яримойсимон бўлиб, сон проксимал охирининг ички ва орқа томонларига ўта олади, унинг учи уч кесувчи қисмдан (олд ва икки ён) иборат бўлиб, олд ва икки ёнлама чандиқларни ажратиб мобилизация қилади.

ЭКларини танлагандан сўнг, агар керак бўлса, сон суягининг проксимал охири биз таклиф қилган инструмент ёрдамида мобилизация қилинади. Бунда инструментнинг олд кесувчи қисми билан чандиқ соҳасига кириб борилади, олдинга силжитиб борилади, икки ён кесувчи қисми (юқори ва пастки) билан эса юқори ва пастга ҳаракатлантириб, атроф чандиқлардан ажратилади, бунда инструментнинг овал қисми унинг сон суягини ички ва ён томонларига йўналтиришга қулайдир. Шу йўсинда соннинг проксимал охири мобилизация қилинади. Мобилизация қилинган сон суягининг проксимал охирида ЭКларнинг имплантациясидаги фазовий ориентацияси тўлиқ бўлади. Кўпинча соннинг юқори дислокациясида ЭКлари имплантациясидан кейин сонни ортиқча куч билан пастга тушириб, ЭКни жойига тўғрилаш қийин бўлади. Мажбурий тўғриланганда эса бўғим ичи босими ортади, ЭКларида ишқаланиш кучи кўпаяди, ишқаланиш маҳсулотлари ортади. ЭКларини жойига тўғрилашда қулайлик туғдириш, протрузион босимни камайтириш мақсадида биз m.pliopsoas пайини тенотомияси пластикаси усулини таклиф этдик (патент FAP 2019 0108).

Бунда оёқ узайтирилади, бўғим ичи босим камайиши ҳисобига остеолитик жараён секинлашади, ишқаланиш кучи пасайиши ҳисобига ишқаланиш юзаларнинг маҳсулоти камаяди. АНга олиб келувчи патологиянинг асосий сабаблари бу ЭКларини бир лаҳзада жойига тўғрилашда мускуллар тракциясининг ортишидир. Мушаклар тракциясининг ортиши ЭКларининг суяк тўқимасига босимни ортишига олиб келади. Бу ўз навбатида остеолитни келтириб чиқаради. АПК ва «бошча» ўртасида ишқаланиш кучини оширади, бунинг натижасида ишқалиш маҳсулотлари кўпаяди. Бу

маҳсулотлар имплант-суяк орасига тушиб АНга сабаб бўлади. Бу гоя скелет мушакларининг нерв импульслари таъсирида қисқарганида, унинг калталаниш хусусиятига асосланган. Суякка ёпишган мушаклар узунлигининг ўзгариши суяк дастагига таъсир қилади. Бу ҳолда, мушак 1см² кўндаланг кесимига 4-17 кг кучни ташкил қилади. Энди m.iliorsoas ўртача 15 см² диаметри 60(+255)кг кучга эга. Шундай қилиб, таклиф этилган m.iliorsoas пайи тенотомияси босимни камайтиради, бу ўз навбатида ЭК АН профилактика чораларидан биридир.

Агар турли хил шаблон ва махсус асбоблар, техник ускуналар имплантатни сон суяги каналига механик имплантациясида муҳим рол ўйнаса, унда цементли фиксацияда стандарт тартиб йўқ. Цемент массасининг қотиши ишлатиладиган цемент брэндига, операция хонаси ва бемор ҳароратига, суяк илиги канали геморрагик суюқлик мавжудлигига боғлиқ. Цемент мантиясини сон суяги каналига киритишдан олдин, каналда геморрагик суюқлик бор-йўқлигига эътибор берилади.

Сон суяги олинган бошчасидан тайёрланган суяк тикин сон суяги каналига ФК ўлчамидан 8-10мм пастга жайлаштирилади. Геморрагик суюқликни чиқариш мақсадида каналга «найча» қўйилади, тайёр цемент массаси каналга зич қилиб жойлаштирилади, ФК каналга жойлаштириш жараёнида найча олинади. Ушбу жараёнда найча орқали геморрагик суюқлик чиқиб кетади, цемент массасига аралашинининг олди олинади, суяк ичи босими бартараф этилади.

Тиббий реабилитациянинг асосий қондаси асосий физиологик тизимларнинг функционал захираларини оқилона фаоллаштириш орқали организмнинг адаптив, компенсатор ёки викар имкониятларини рағбатлантиришдир.

Реабилитациянинг кутилган натижаларига эришишнинг зарурий шартлари: реабилитация концепцияси ва асосий қондаларининг ягона тушунчаси: эрта бошланиши ва ўз вақтида олиб борилиши; изчиллик ва узлуксизлик; комплекслиликнинг индивидуал ёндашув билан бирга уйғунлашуви, назорат қилиш ва тузатиш; босқичлилиқ ва натижаларни объектив баҳолаш ҳисобланади.

Бизнинг вазифаларимиз босқичма-босқич ва якуний реабилитацияни амалга ошириш; иш қобилияти ва профессионал маҳоратни тиклаш дастурини доимий равишда амалга ошириш; беморларнинг руҳий-эмоционал ҳолатини тузатиш, тикланишга бўлган ишончини шакллантириш; бундан ташқари, фаол психотерапевтик режимни таъминлаш беморни шифохона шароитидан аста-секин ишлашга ўтказиш, сурункали касалликларнинг олдини олишдан иборат. Реабилитация тизимининг асосий босқичларини амбулатория-поликлиника, шифохона ва санаториялар ташкил қилади.

Касалликни икки жараён — патогенез ва саногенез ўртасидаги ўзаро боғлиқликка нисбатан баҳолаб, шифокор таъсирининг хусусиятлари ва йўналишини қайд этиш лозим. Биз бирламчи жарроҳлик аралашувини реабилитациянинг энг муҳим даври деб ҳисоблаймиз, чунки реабилитациянинг ҳеч бир тури реабилитацион даволашнинг бошланғич босқичида йўл қўйилган хатоларни компенсация қилмайди.

Тиббий реабилитациянинг асосий усуллари консерватив бўлиб, улар анъанавий (дори-дармон терапияси, жисмоний терапия, массаж, физиотерапия) ва ноанъанавий (игна билан даволаш, Су-Жок терапияси ва бошқалар) усулларга бўлинади.

Мавжуд реабилитация тизими бта асосий компонентни ўз ичига олади: вазиятни баҳолаш, клиник ва функционал ташхис қўйиш, мақсадни аниқлаш ва натижаларни башорат қилиш, дастур тузиш, реабилитация таъсири ва натижаларни баҳолаш.

Реабилитация дастури қуйидаги асосий элементлардан иборат бўлиши керак: а) беморни даволашни оптимал бошқариш; б) стационар босқич поғоналари ва унинг тугаш мезонлари; в) шифохона ва бошқа босқичларда жисмоний фаоллаштириш даражаси; г) операциядан кейинги парвариш стандарти; д) клиник, психофизиологик, лаборатория ва бошқа маълумотлар ўзгаришининг динамикасини таҳлил қилиш асосида реабилитация чоратадбирларининг адекватлиги ва самарадорлигини назорат қилиш.

ЧСБни тотал ЭПдан кейин беморлар реабилитациясининг қуйидаги асосий омилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ: физиотерапия, машқлар билан даволаш, парҳез билан даволаш, ортиқча тана вазнини бартараф этиш, фитотерапия, психотерапия, психокоррекция, игна билан даволаш, оксигенобаротерапия.

Афсуски, ЧСБТЭП ўтказган беморлар учун операциядан кейин рухсат этилган ҳаракатланиш режими ҳақида поликлиника муассасаларида етарли даражада маълумот тарқатилмаганлиги, ихтисослашган реабилитация марказларининг етишмаслиги операциядан кейинги узоқ даврда асоратлар сонини оширадиган сабаблардан биридир. ЧСБ тотал ЭПдан кейинги реабилитация дастури ва тикловчи даво услуги ишлаб чиқилган, унда: ҳаракат режими, жисмоний машқлар, уқалаш, дозаланган юриш қоидалари, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш кўникмалари машқлари кўникмаси, оёққа юк бериш қоидалари ишлаб чиқилган. Беморларни операция олди ва операциядан кейинги реабилитация қилишнинг асосий тафсилотлари қуйидагилардан иборат: беморга кундалик ҳаётда ҳаракатларнинг тўғри механикасини ўргатиш; операциядан кейинги даврнинг ушбу босқичида даволовчи гимнастика, яъни операциядан кейинги эҳтимолий асоратлар -зотилжам, ичаклар ва сийдик пуфаги атонияси, қон томирлар тромбофлебети, тромбози ва бошқалар профилактикаси ва уларга қарши курашиш; юрак-қон қомир ва нафас тизимини яхшилаш; периферик қон айланишни фаоллаштириш, беморнинг эмоционал ҳолатини яхшилаш имконини беради. Шунингдек, «янги» бўғим ҳаракатини яхшилаш, беморнинг эрта фаоллаштириш, қўлтиқ таёқда ҳаракатланишга ўргатиш ҳам даволовчи гимнастика вазифаларидан саналади.

Беморнинг стационарда ўртача даволаниш даври, биздаги маълумотларга кўра, 13-16 кунни ташкил этади, операция чоклари жарроҳлик аралашувидан кейин 14-кун олинади, шу орада, албатта, операциядан кейин 10 кун атрофида, ЭКларининг туриш ҳолати назорат рентгенографияси қилинади. Беморни амбулатор кузатувга юборишда ЧСБ функциясини баҳолаш мезонлари қуйидагилар ҳисобланади: операция қилинган бўғим сагиттал ва фронтал текисликлардаги ҳаракат амплитудалари, оёқни тўғри ҳолатда кўтариш

имконияти, 100 метрдан кам бўлмаган масофага кўлтиқ таёқ ёрдамида ҳаракатланиши баҳолаб берилади.

Функционал шуғулланиш босқичи 2-хафтадан 2ойгача реабилитация чора-тадбирларининг асосий вазифалари бўғим ҳаракатини янада яхшилаш, юришнинг тўғри стереотипини тиклаш ва зинадан тушиш ҳамда чиқишни ўзлаштириш, кундалик ҳаётга мослашиш, ўз-ўзига хизмат қилишнинг тўғри кўникмаларини ўзлаштиришга йўналтирилган.

Асоратли ҳолатлар босқичида (4-ойдан 12-ойгача) чора-тадбирлар параартикуляр мушакларни мустаҳкамлашга, кундалик ҳамда ишчи ҳаракатланиш фаоллигига мослашишга йўналтирилган. Шикоятлар ва ЭКлари ностабиллигининг рентгенологик белгилари бўлмаса, 2-3 ойдан кейин ёрдамчи таянч воситаларисиз ҳаракатланишга рухсат берилади. Операция қилинган бўғим соҳасида ноқулайлик сезилса, албатта, врачга мурожаат қилиш керак. Кўпчилик бизнинг беморлар бундай даврда санаторий -курорт даволанишга юборилади, шундан кейин эса фаол меҳнатга қайтилади.

Диссертациянинг «**Чаноқ-сон бўғимини эндопротезлаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида текшиурвлар натижалари клиник ва параклиник усулларда баҳоланди.

1.Клиник баҳолаш. 2013-2018 йиллар давомидаги 5 йиллик кузатувларимиз мобайнида 136 нафар беморда ЧСБ тотал ЭП амалиёти ўтказилди. Бу беморлар икки гуруҳга бўлинди: назорат гуруҳини ЧСБ тотал ЭП операцияси анъанавий усулда бажарилган беморлар 66 (48,5%) нафарни ташкил қилди. Асосий гуруҳ эса 70 (51,5%) бемордан иборат бўлди, бу беморларда ЧСБ тотал ЭП операцияси биз таклиф этган усулда бажарилди. Узоқ муддатли натижалар самарадорлиги Harris W.H. функционал кўрсаткичли шкаласи бўйича баҳоланди (2-расмга қаранг).




2-расм. ЧСБТЭПдан олдинги ва кейинги Harris W.H. шкаласи кўрсаткичлари

Қуйидаги 136 нафар беморнинг узоқ муддатли натижаларини тизимли баҳолашга мурожаат қилганимизда, кўриниб турибдики, асосий гуруҳда беморлар 98,6% ҳолатда ижобий натижаларга эришган бўлса, назорат гуруҳида бу натижалар 97,0%ни ташкил қилди.

2.Узоқ натижаларни рентгенологик баҳолаш. Рентгенологик диагностика ЧСБни ЭПдан кейин беморларни текширишнинг объектив усули ҳисобланади. Рентгенография суяк тўқимаси морфологияси ва структурасига

адекват баҳо бериш имконини беради. ЧСБ рентгенографиясида ЭКларнинг ҳолати, сон суяги каналида оёқчанинг ва чаноқ косачанинг ҳолати, антеверсия ва инклинация бурчаги баҳоланди. Шунингдек, косачанинг суяк тўқимаси билан қопланиш даражасини аниқладик. Асосий гуруҳда 3 (4,3%) ҳолатда антеверсия бурчагининг камайиши ($<10^0-15^0$), ва 2 (2,8%) ҳолатда – антеверсия бурчагининг ($>10^0-15^0$) ортиши қайд этилди.

Назорат гуруҳида 5 (7,6%) беморда антеверсия бурчагининг камайиши ($<10^0-15^0$) ва 3 (4,5%) ҳолатда антеверсия бурчагининг ($>10^0-15^0$) ортиши қайд этилди (3-расмга қаранг).




3-расм. Ацетабуляр компонент антеверсияси референт қийматлари.

Асосий гуруҳдаги 62 (88,6%) беморда инклинация бурчаги $45-50^0$ атрофида бўлди, 5 (7,1%) беморда – 35^0 дан кичик ва 3 (4,3%) беморда – 50^0 дан катта бўлди.

Назорат гуруҳидаги 55(83,3%) беморда инклинация бурчаги $45-50^0$ атрофида, 8 (12,1%) беморда – 35^0 дан кичик ва 3 (4,6%) беморда – 50^0 дан катта (4-расмга қаранг) кузатилди.

Умумий беморлар сониди 89% ҳолатда косача инклинация бурчаги 35^0 дан 45^0 гача бўлди.

Кўриниб турибдики, ушбу натижалар эндопротез компонентларини фазовий ориентацияси яхшиланган ва эндопротез компонентларининг эксплуатация муддатини узайтириш имконини беради.



4-расм. АК инклинация бурчагининг референт қийматлари

ХУЛОСА

1. Эндопротезлаш асоратларини олдини олиш алгоритмидан фойдаланиш, эндопротезлашнинг камчилик ва хатоларидан йироқ бўлишга имкон яратади ва эндопротезнинг функционал хизмат муддатини узайтиради.

2. Эндопротез бошчаси биомеханик ротация марказини аниқловчи (интраоперацион тест) инструментдан фойдаланиш ва m. iliopsoas пайини тенотомияси асосий гуруҳда 97,2% беморларда оёқлар узунлигини тенглаштиришга эришилди, назорат гуруҳида эса ушбу ҳолат 82,2%ни ташкил этди. Бу ҳолат билвосита ЭКларнинг асептик ностабиллиги профилактикасини асослаб беради.

3. Сон бошчаси экстрактори ва сон проксимал охирини мобилизация қилувчи қурилмадан фойдаланиш косачанинг анатомик структураси жароҳатланиши олдини олади ва имплантация қилинувчи эндопротез фазовий ориентациясини аниқлашга ёрдам беради.

4. ЧСБни эндопротезлашда таклиф этилган услубнинг қўлланилиши натижасида асосий гуруҳдаги 98,4% беморларда операция қилинган бўғим фаолиятининг барқарор яхшиланишига эришилди, назорат гуруҳида ушбу кўрсаткич 96,2%ни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 04/30.12.2019.Tib.62.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ТУГУЗОВ БУНЁД ЭСОНОВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ЭНДОПРОТЕЗИРОВАНИЯ
ТАЗОБЕДРЕННОГО СУСТАВА**

14.00.22 - Травматология и ортопедия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИХ НАУК**

ТАШКЕНТ - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.4.PhD/Tib505.

Диссертация защищена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-страницах Научного совета (www.uzniito.uz), Информационно-образовательного портала «Ziyounet» (www.ziyounet.uz) и Национального агентства Узбекистана (www.uza.uz).

Научный руководитель:	Хамраев Алишер Шахабович доктор медицинских наук, доцент
Официальные оппоненты:	Абдуразаков Уразбай Абдуразакович доктор медицинских наук, профессор Худойбердиев Кобилжон Турсунович доктор медицинских наук, профессор
Ведущая организация:	Самаркандский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится « 30 » июня 2021 г. в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.62.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре травматологии и ортопедии (Адрес: 100147, г.Ташкент, ул. Махтумкули йули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30; e-mail: niito-tashkent@yandex.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр травматологии и ортопедии).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра травматологии и ортопедии (зарегистрирован за № 35). Адрес: 100147, г. Ташкент, улица Махтумкули, 78. Тел.: (+99871) 233-10-30.

Автореферат диссертации распространен « 30 » июня 2021 года

(реестр протокола рассылки № 35 от « 30 » июня 2021 года)






М.Э. Ирисметов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

У.М. Рустамова
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, старший научный сотрудник



А.П. Алимов
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Коксартроз - это врожденное или приобретенное дегенеративно-дистрофическое патологическое изменение элементов тазобедренного сустава (ТБС), ограничивающее всю функциональную активность сустава. Среди ортопедических дегенеративных заболеваний взрослых «Патология тазовых суставов встречается до 25% случаев, что приводит к инвалидности у 60% больных...»¹. Консервативное и паллиативное хирургическое вмешательство сокращает период ремиссии заболевания на 90%. Несмотря на высокую эффективность радикального хирургического вмешательства, на практике существует ряд осложнений эндопротезирования тазобедренного сустава в виде выпячивания головки эндопротеза, тромбоэмболии, развития «глубокой» инфекции вокруг компонентов эндопротеза, развития асептической нестабильности, которые могут привести к инвалидности и существенной потере трудоспособности, что, в свою очередь, является причиной серьезных социально-экономических проблем. В этом случае совершенствование хирургических процедур лечения дегенеративных патологий ТБС и восстановления функции нижних конечностей являются одними из актуальных задач.

Во всем мире проводятся научные исследования для предотвращения и лечения асептической нестабильности компонентов эндопротеза при эндопротезировании ТБС, разрабатываются новые методы и устройства для хирургической практики с учетом эндогенных и экзогенных причин возможных осложнений на всех этапах эндопротезирования ТБС, совершенствуются дизайн и модели компонентов эндопротеза (КЭ), методы эндопротезирования (однополюсные и тотальные, гибридные, цементированные и запрессованные (press fit), первичные и ревизионные); улучшается разработка дополнительных, вспомогательных инструментальных устройств и приспособлений для малоинвазивных манипуляций с тканями, уменьшающих травмирование ТБС, разрабатываются методы снижения давления внутрисуставных протрузий, методология коррекции длины нижней конечности при верхней дислокации бедра.

Кроме того, особенное значение приобретает усовершенствование эндопротезирования тазового сустава с улучшением методики извлечения остатков бедренной кости, снижение внутрисуставного протрузионного давления, коррекция интраоперационной и послеоперационной длины нижней конечности при ЭП, совершенствование эндопротезирования ТБС с учетом различных биологических изменений между имплантатом и костью в отдаленном периоде наблюдения после операции, адаптации вертлужного и бедренного компонентов к костной системе, случаев остеоинтеграции.

¹ World Health Organization / Injuries: fact sheet no 7. World Health Organization website, 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs11/>

В нашей стране поставлены задачи по развитию медицинского сектора, по приведению системы здравоохранения в соответствие с мировыми стандартами, в том числе направленных на снижение врожденных и приобретенных заболеваний ТБС и их осложнений. В связи с этим поставлены задачи по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения через «... повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи в нашей стране, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики заболеваний и их лечения ...»². При выполнении этих задач целесообразно проводить исследования по совершенствованию ЭП при дегенеративно-дистрофических заболеваниях ТБС, снижению факторов, приводящих к инвалидности и негативным последствиям, повышению качества современных медицинских услуг на новый уровень посредством совершенствования использования современных медицинских технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПФ-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлениях № ПК-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы», № ПК-5270 от 1 декабря 2017 г. «О мерах по кардинальному совершенствованию системы государственной поддержки лиц с инвалидностью» и других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Это исследование выполнено в соответствии с приоритетными задачами развития науки и технологий в Республике, приведенными в части VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Поскольку хирургические вмешательства для устранения различных патологий ТБС не произвели достаточного количества положительных результатов, операция тотального эндопротезирования - замена патологически измененного сустава искусственным протезом - вышла на первый план и является высокоэффективным методом лечения, востребованным сегодня. В 2008 г. в США было выполнено тотальное эндопротезирование более 600 тыс. ТБС, долгосрочные прогнозы показывают, что к 2030 г. количество таких операций достигнет 4,0 млн (Загородный Н.В., Нуждин В.И., Кудинов О.А., 2011). Зарубежные авторы предложили ряд устройств для восстановления работоспособности ТБС после операции (Mucand J.A., Cai C., Zielinski, 2003; Elizabeth W. Paxton, Christopher F. Ake, et al., 2012). Известно, что система тотального эндопротезирования ТБС прошла долгий путь в своем развитии, позволяя в настоящее время вернуться к активному и безболезненному

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 г. № ПФ-5590 «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию системы здравоохранения».

движению сустава и силе нижней конечности (Чрагян Г.А., Загородный Н.В., Нуждин В.И. и др., 2012). Однако, несмотря на ряд достижений в области тотального эндопротезирования ТБС, оно еще не достигло совершенства (Müller M., 2012). Игнатенко В.Л. и другие (2011) утверждают, что современные технологии не всегда способны полностью обратить вспять изменения, возникающие в результате воздействия дегенеративно-дистрофических процессов на ТБС.

